



«Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, бир томондан, ходимларни ўз меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга рағбатлантириши, иккинчи томондан, иш ҳақи меҳнат самарасига мутаносиб бўлишга ёрдам кўрсатиши, лозим».

**И.Каримов**

### **ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ**

Ўзбекистонда солиқ юки даражаси йилдан йилга мунтазам равишда пасайиб бормоқда. Жисмоний шахсларнинг реал даромадларини ошириш ва тўловга лаёқатини кучайтириш мақсадида жисмоний шахслар даромад солиғи ставкаларида ҳам йилдан йилга камайтириб бориш тенденцияси мавжуд.

Масалан, 2000 йилда жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкасининг юқори даражаси 40 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилдан бошлаб ушбу даража 22 фоизни ташкил этмоқда ёки 18 фоизга пасайган. Шу билан бирга, иш ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқ олиш даражаси 2000 йилда ўртача 29 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда ўртача 16,0 фоизни ташкил этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамасида 2006 йил яқунларига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқида ҳам солиқ

сиёсатининг келгуси йиллар учун концепцияларида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини пасайтириш ҳисобига аҳолининг реал даромадини ошириш кўзда тутилиши вазифаси кўйилган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли қарорига асосан 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг куйи ва ўрта ставкалари 1 фоиздан туширилиб, мос равишда 10 ва 16 фоиз ҳамда юқори ставкаси 22 фоиз қилиб белгиланди. Бу эса, аҳоли даромади ўсишини бевосита акс эттиради.

### **ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ**

2010 йил учун		2011 йил учун	
Энг кам иш ҳақининг олти бараваригача	11%	Энг кам иш ҳақининг беш бараваригача	10%
Энг кам иш ҳақининг олти баравари (+1 сўм) миқдоридан ўн бараваригача	17%	Энг кам иш ҳақининг беш баравари (+1 сўм) миқдоридан ўн бараваригача	16%
Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (+1 сўм) миқдоридан ва ундан юқори миқдорлардан	22%	Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (+1 сўм) миқдоридан ва ундан юқори миқдорлардан	22%

### **СОЛИҚ КОДЕКСИДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИГА АЛОҲИДА БЎЛИМ БАҒИШЛАНГАН БЎЛИБ, УНДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ**

-меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари;

-мулкый даромадлари;

-моддий наф тарзидаги даромадлар

-бошқа даромадларини солиққа тортиш тартиблари белгиланган.

### **ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ҚУЙИДАГИ ДАРОМАДЛАРИГА СОЛИҚ СОЛИНМАЙДИ:**

-моддий ёрдам суммалари:

- фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари - тўлалигича;

-вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзолари вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари-энг кам иш ҳақининг йигирма бараваригача миқдорда;

- бошқа ҳолларда – энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

-ўз ходимларига ва уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар;

-солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин хусусий корхона мулкдори, фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси;

-Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва эсдалик совғалари қиймати;

-олимпия ўйинларида ва бошқа халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган пул мукофотлари;

-жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинадиган даромадлар;

-уй хўжалигида, шу жумладан деҳқон хўжалигида етиштирилган хайвонларни тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олган даромадлар;

-энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваригача бўлган суммадаги юридик шахслардан олинган қимматли совғалар;

-мехнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган, энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасидаги ишдан бўшатиш нафақаси;

-Республика фуқароларининг суғурта бўйича оладиган суммалари;

-давлат пенсиялари;

-мерос қилиб қолдириш ва ҳадя қилиш натижасида олинган суммалар ва мол-мулк қиймати;

-фуқаролар даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкни сотиб олиш, хусусийлаштирилаган корхоналар акцияларини сотиб олишга йўналтирилган суммалари;

-жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоиз даромадлари, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

- мол-мулкни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари учун йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг суммалари;

-ёш оила аъзолари иш ҳақи ва бошқа солиқ солинадиган даромадларининг ипотека кредитларини ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммалари;

-«Қишлоқ қурилиш банк» АТ банкининг кредитлари ҳисобига қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қурувчи шахслар томонидан олинган ипотека кредитлари ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммалари;

-Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари;

-Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган

ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммалари.

### **СОЛИҚ СОЛИШДАН ҚҮЙИДАГИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТЎЛИҚ ОЗОД ҚИЛИНАДИ:**

-Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари мансабдор шахслари ва оила аъзолари;

-хукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган мансабдор шахслари;

-Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар ва божхона органларининг оддий хизматчилари;

-прокуратура органларининг даража унвонларига эга бўлган ходимлари.

-гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар-ушбу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича;

***Қуйидаги жисмоний шахслар солиқ солишдан қисман (даромадлар олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) озод қилинади:***

-"Ўзбекистон Қаҳрамони", "Мехнат Қаҳрамони унвонларига" сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган шахслар, 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари;

-болалиқдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари;

-ўн ва ундан ортиқ боласи бўлган аёллар;

-икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар.



\*  
\* \*  
\* \* \*  
**ЎЗБЕКISTON  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ  
ҚЎМИТАСИ**

\* \* \*  
\* \*  
\*

**Жисмоний шахслардан  
олинадиган даромад  
СОЛИҒИ**